



Қўшимчали сув ўлчагич трубкасимон ростловчининг конструкцияси






Асосий ўлчамлари;
 учликнинг кириш диаметри D ,
 чиқиш диаметри $d=0.74D$,
 узунлиги $l=2d$.

- Қўшимчанинг узунлиги сув ичидаги деворлар орасида жойлашишига қараб $L=1.5-3a(d)$ га тенг бўлади.
- Қўшимча ва затвор орасидаги 30-40 см ораликдаги очик жой затворни назорат қилиш ва таъмирлаш учун қолдирилган. Қўшимчадаги ҳаво вакуумни йўқотиш ва сув оқимининг турбулентлигини камайтириш учун затвор ортида бевосита ҳаво киришини таъминловчи труба ўрнатилади.
- Қўшимчали сув ўлчовчи турибқасимон ростловчилар махсус қудуқча билан жиҳозланади ва унга ДРИ туридаги иккита пўкакли асбоб ўрнатилади. Айрим ҳолларда кетма-кет жойлашган иккита қудуқча ўрнатилиши мумкин.
- Қўшимчали сув ўлчовчи турибқасимон ростловчининг бир-биридан тузилиши билан фарқ қиладиган турлари мавжуд

Азәрбайжон гипроводхозида «Баку» тизимидаги ДРИ қабул қилувчи ва узатувчи қурилма билан жиҳозланган сув ўлчовчи қўшимчали турбкасимон ростловчи



1-датчик ДРИ, 2-сув ўлчагич, 3-бошқарув шикафи, 4-затвор

Юқорида қайт этилган ростловчилардан ташқари яна амалиётда қуйидаги турлари қўлланилади:

- а)** Сув чиқиш жойидаги сув ўлчаш мосламали трубкасимон ростловчилар (сув чиқарувчилар);
- б)** Сув ўлчовчи учликли трубкасимон ростловчи (сув чиқарувчи);
- в)** Халқали трубкасимон ростловчи-сув ўлчагич;
- г)** Ёнлама цилиндрли трубасимон ростловчи-сув ўлчагич;
- д)** Вентури туридаги торайган трубкасимон ростловчи- сув ўлчагич.
- е)** Сув чиқиш жойидаги сув ўлчаш мосламалари трубкасимон ростловчилар (сув чиқарувчилар).

Сув ўлчайдиган учликли трубкасимон ростловчи- сув ўлчаш мосламаси


- Асосий ўлчамлари – учликнинг кириш диаметри D , чиқиш диаметри $d=0.74D$, узунлиги $l=2d$.

- Сув сарфи кўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

- $$Q = K \cdot 0,785d^2 \sqrt{2gZ_B}$$

- бу ерда: K - сув ўлчагичнинг сарф коэффициентини, $K=1,12$;

- Z_B - сув ўлчагичдаги напор.



Сув ўлчагич-ростловчи асбоблари шкаласини даражалаш

$$Q = K \cdot \omega \sqrt{2gZ_c} = A \sqrt{2gZ_c}$$